

NAZORAT-AUDIT

AUDITING COMPANY

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city, STIR 202884570
tel: +998 98 366 23 01, fax: +998 78 150 23 01, email: info@nazorat.uz, web: www.nazorat.uz

«Навоий агрокимёхимоя» Худудий акцидорлик жамиятининг 2019 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Навоий агрокимёхимоя» ХАЖ раҳбариятига

Аудиторлик текшируви утказилаётган корхонанинг реквизитлари:

Корхона ва ташкилотининг тўлиқ номи Юридик манзили ва телефон рақамлари	«Навоий агрокимёхимоя» Худудий акциядорлик жамияти (кейинги матнларда «жамият» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Навоий шаҳар, Навоий кучаси 1-Б уй
Давлат томонидан рўйхатдан ўтган гувоҳнома	Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона дарча маркази» томонидан 2016 йил 26 декабр куни № 1025 реестр рақами билан «Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома» берилган.
Банк реквизити	Ҳисоб рақами 20210000400428119001, АТБ «АГРО БАНК» НАВОИЙ ШАҲАР ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИ, МФО 00197.
СТИР	201425097
ИФУТ	46750

Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Аудиторлик ташкилотининг тулик номи: Юридик ва почта манзили:	Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Nazorat-Audit» аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси. 100015. Ташкент шаҳри, Миробод туман, Госпиталь даҳаси 11/2.
Давлат рўйхатидан утказилганлиги тугрисида маълумот: Аудиторлик фаолияти учун лицензия:	Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома - № 545. 11.12.2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 11 апрелда берилган АФ.00811-сонли аудиторлик текшируви утказиш учун Лицензия
Банк реквизитлари:	Асосий жорий ҳисоб рақами: 20208000604007713001 «Davr Bank» Чилонзор филиали (МФО:01046) ИНН:202884570, ОКЭД: 69202.
Аудиторлик ташкилоти директори:	Назаров Б.Н, Аудитор малака сертификати №05207, 2014 йил 26 апрелда берилган
Аудиторлик текшируви раҳбари:	Зикрияев Ч., Аудитор малака сертификати №05375, 2016 йил 26 мартда берилган

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Nazorat-Audit” аудиторлик ташкилотининг аудитори Зикрияев Ч., Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2016 йил 26 мартда берилган №05375-сонли «Аудитор малака сертификати»га ҳамда аудиторлик ташкилоти билан «Навоий агрокимёхимоя» ХАЖ ўртасида тузилган шартномага асосан «Навоий агрокимёхимоя» ХАЖнинг 01.01.2019 йилдан 31.12.2019 йилгача бўлган даври учун тузилган “Корхона баланси” – форма № 1, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” – форма № 2, шаклларида иборат молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Навоий агрокимёхимоя» ХАЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Навоий агрокимёхимоя» МЧЖ нинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**«Nazorat-Audit» Аудиторлик
Ташкилоти директори:**

Аудитор:

**Хулоса тузилган сана:
2020 йил, 24 апрель.**



Handwritten signature of Nazarov B.N.
Handwritten signature of Zikriyev Ch.

Назаров Б.Н.

Зикрияев Ч.